Ислом тарихига умавийлардан кейин кадам кўйиган сулола номи “аббосийлар” деб аталади. Улар Пайгамбар алайхиссаломнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб зурриёдларидир. Унга Абул Аббос ас-Саффох асос солган, охирги халифа Мустаъсим бўлган. Аббосийлар хижрий 132-656 (милодий 750-1259) йилларда, яхни беш асрдан зиёд халифалик килишган. Шиорлари кора байрок бўлган. Улар даврида халифалик пойтахти Дамашкдан Багдодга кўчирилган, иктисод-савдо ва маданий сохалар гуллаб-яшнаган. Охирги халифани мўгуллар хони Халоку (Хулогу) катл эттирган. Аббосийлардан машхурлари Махдий (775-785), Хорун ар-Рашид (786-809). Маъмун ((813-833), Мухтасим (833-842) лардир. Аббосий халифалар (тахтга ўтирган йили билан) куйидагилар: Саффох – хижрий 132/ милодий 750. Мансур – хижрий 136/ милодий 754. Махдий – хижрий 158/ милодий 775. Ходий – хижрий 169/ милодий 785. Хорун ар-Рашид – хижрий 170/ милодий 786. Амин – хижрий 193/милодий 809. Маъмун – хижрий 198/ милодий 813. Муътасим – хижрий 218/ милодий 833. Восик – хижрий 227/ милодий 842. Мутаваккил – хижрий 232/ милодий 847. Мунтасир – хижрий 247/ милодий 861. Мустахин – хижрий 248/ милодий 862. Муътазз – хижрий 252/ милодий 866. Муътадий – хижрий 255/ милодий 869. Муътамид – хижрий 256/ милодий 870. Муътазид – хижрий 279/ милодий 892. Муктафий – хижрий 289/ милодий 902 . Муктадир – хижрий 295/ милодий 908. Кохир – хижрий 320/ милодий 932. Розий – хижрий 322/ милодий 934. Муттакий – хижрий 329/ милодий 940. Мустакфий – хижрий 333/ милодий 944. Мутех – хижрий 334/ милодий 946. Тоих – хижрий 363/ милодий 974. Кодир – хижрий 381/ милодий 991. Коим – хижрий 422/ милодий 1031. Муктадий – хижрий 467/ милодий 1075. Мустазхир – хижрий 487/ милодий 1094. Мустаршид – хижрий 512/ милодий 1118. Рашид – хижрий 529/ милодий 1135. Муктафий – хижрий 530/ милодий 1136. Мустанжид – хижрий 555/ милодий 1160. Мустазих – хижрий 566/ милодий 1170. Носир – хижрий 575/ милодий 1180. Зохир – хижрий 622/ милодий 1225. Мустансир – хижрий 623/ милодий 1226. Мустахсим – хижрий 640-656/ милодий 1242-1258.